

Медиа Тилининг Шаклланиши: Ахборот Узатиш Ва Қабул Қилиш Жараёнида Лисоний Коммуникация

Тешабаева Дилфуза Муминовна¹, Қодирова Дилноза Холиқ қизи²

Annotatsiya: Ушбу мақолада ОАВ тили мураккаб таркибли аудитория, манбалар шаклланишининг турли кўриниши, ахборотнинг универсаллик характери, махсус лексика, услубий ривожланиш жиҳатлари каби белгиларини ифодаловчи тил мавжудлигининг муҳим шаклини ўзида мужассам этганлиги ёритилган. Ахборот бу – коммуникациянинг мазмуний аспектидир. У коммуникацион жараёнга қўшилиб кетган ҳолда, ахборотни сақлаш, йиғиш, тарқатиш ва саралаш воситалари ва тармоқлари билан узлуксиз боғланган бўлиб, уларга доимий таъсир ўтказиши ва ўзи ҳам уларнинг таъсирида бўлади.

Калит сўзлар: лисон, матн, мулоқот, медиа тили, ахборот, коммуникация, маданиятлараро мулоқот.

Тил муҳим коммуникация ва фикрни ифодалаш воситаси ҳисобланади, у одам томонидан мунтазам, фаол тарзда дунёни англаш ва билишни тажрибага айлантириш қуроли бўлиб хизмат қилади. Бунинг натижасида дунёни ахборот ва тил орқали кўра олиш имкони юзага келади.

Ахборотнинг тил орқали ифодаланишида уларнинг моддийлашув усули ва шакллари муҳим аҳамият касб этади.

Вильхелм фон Хумболдт «дунёнинг лисоний манзараси» деганда дунёни конкрет тил орқали динамик, тўхтовсиз ўзлаштириш жараёнини тушунади. Немис олимнинг фикрига кўра, инсон ҳаётидаги «тил орқали таърифланган» шароитлар инсоннинг ўзига юклатилган маданий-тарихий бурчлари билан боғлиқ вазифаларни ечиш даражасига олиб чиқиши керак [1, 27].

Оммавий коммуникация мазмуни кенг маънодаги матн деб аталувчи лисоний терминга тенглаштирилади, аудитория эса, экстралингвистик ҳодисалар синфига тааллуқли ва тилшунослик доирасида кўрилмайди [2, 9].

ОАВ тилининг шаклланиши уларнинг умумий вазифалари билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу вазифаларни тадқиқотчилар қуйидаги гуруҳларга ажратадилар:

- ахборот узатиш;
- шарҳлаш-баҳолаш (кўпинча фактларни баён этиш уларни изоҳлаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш билан бирга олиб борилади);
- таништириш, ўргатиш ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш (ОАВ маданий, тарихий, илмий ахборотни узатар экан, ўз аудиториясининг билим захирасини тўлдиришга хизмат қилади);
- таъсирчанлик вазифаси (ОАВни бежизга тўртинчи ҳокимият дейишмайди: унинг жамият фикрига, дунёқарашига таъсири жуда кучли. Бу, айниқса, катта ижтимоий-сиёсий жараёнлар, жумладан, давлат раҳбарлигига сайловлар пайтида яққол кўзга ташланади);
- кўнгилочарлик вазифаси (бунда ОАВ аудитория томонидан самарали қарши олинаётгани, катта қизиқиш ва қониқиш ҳосил қилаётгани, эстетик завқ бериши назарда тутилади);

¹ Филология фанлари доктори, профессор ЎзДЖТУ

² ЎзДЖТУ, Медиа ва коммуникация факултети талабаси



➤ гедонистик хусусияти (бу ерда гап фақат кўнгилочар ахборот ҳақида эмас. Ҳар қандай ахборот узатиш жараёнида қониқиш ҳиссини уйғотса ва адресатнинг эстетик эҳтиёжларига жавоб берса, у катта ижобий самара билан қабул қилинади) [3;4;5].

“Ахборот ўз маъносида хабардаги «жеракли» маълумотлар бўлиб, улар аудитория томонидан ўзлаштирилаётган билимлар, меъёрлар, кадриятлар сифатида англанади ва шу билан аудиторияга таъсир ўтказади” [6,24]. “Ахборот бу – асраш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлиб хизмат қилувчи маълумотлардир” [7, 5]. Ахборотни тақдим этишнинг энг муҳим шаклларида бири матндир.

Аудиториянинг ахборотни қандай қабул қилиши уни узатишда қайси ахборот воситаларидан фойдаланилаётганлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ахборот воситаси ўзига хос тил ва ахборотни актуаллаштириш услубларидан фойдалангани ҳолда, унинг табиатини шакллантиради, бу эса, ўз навбатида, борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларга таъсир этади.

Ахборот узатиш ва қабул қилиш жараёнида инсонлараро мулоқот, лисоний коммуникация содир бўлади. Коммуникация, энг аввало, мулоқот ҳодисасидир. Бунда бир ёки ундан кўп индивид ўртасида ўзаро тушуниш ҳамда бир шахсдан бошқасига ёки бир қанча шахсларга ахборот узатишдан иборат бўлган муносабатлар юзага келади.

ОАВ:

1. ахборот қабул қилишнинг психологик хусусиятлари;
2. ахборот хусусиятлари;
3. оммавий коммуникация фаолияти жараёнидан кўзланган мақсадлар асосидаги кадриятлар;
4. тил ва матннинг ахборотни долзарблаштирувчи восита ҳақидаги назарий тасаввурларни ўз ичига олади [8].

ОАВда ахборот узатишда аудиториянинг билимини ошириш, қайсидир маънода, билиш жараёни содир бўлади. Хўш, ана шу билиш жараёнида тилнинг воситачилик роли қандай?

Инсонлараро мулоқотнинг тугал мақсади, Хумбольдт фикрича, одамлардаги ички кучларни эркин ривожлантиришдан иборат. Бундай одамлар ўз яшаш доираларини чексиз кенгайтира оладилар [9, 114].

Лисоний жамоа (тил жамоаси)нинг ижтимоий табиати шундан иборатки, у, бир томондан, мувофиқлаштирилган лисоний мулоқот учун шарт-шароитлар яратиб, ҳар бир аъзосини борлиқни тил орқали ўрганишдек умумий ва ягона жараёнга жалб этса, иккинчи томондан, ушбу жамоанинг ҳар бир аъзосига мажбурий бўлган коммуникация жараёнининг “ўйин қоидаларига бўйсунганини” тақазо этади.

“Одамлар бир-бирини суҳбатдошларига предметлар белгисини етказишгани учун эмас ва ҳатто бир-бирига ўхшаш тушунчани аниқ ва тўлиқ қайта яратишга тараддудланганликлари учун ҳам эмас, балки, улар бир-бирига ҳиссий тасаввурлар занжиридаги бирор ҳалқа ва ички тушунчаларнинг илк кўринишларидан бирортасини ўзаро ҳамжихатлик билан ишга солишгани учун тушунадилар, чунки ҳар бир киши онгида шунга мувофиқ, бироқ айнан ўхшаш бўлмаган мазмун-маъно ярқ этиб пайдо бўлади” [10, 27].

Вилхельм фон Хумбольдтнинг ушбу сўзларида замонавий лисоний коммуникациянинг моҳиятини очиб берувчи асосий мулоҳазалар ўз аксини топган. Бунда мувофиқлаштирилганлик мулоқот жараёни учун зарурий шарт-шароит сифатида ҳар бир иштирокчининг индивидуал эркинлиги билан чамбарчас боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга.

Лисоний коммуникация, яъни ахборот алмашинуви ҳар доим муайян моделлар (матнлар) асосида ўзига хос лисоний шакллари яратишни тақазо этади. Улар, ўз навбатида, иштирокчи – ҳамкорлар онгида хос равишда ўз аксини топади. Мулоқот динамикаси икки кутб орасида юзага келувчи: 1) яратилаётган тил бирликларини “ўхшаш тарзда англаш”га имкон берувчи меъёр ва 2) бундай бунёдкорлик жараёнидаги танлаш эркинлиги заруратла-рини тақазо қилади. “Ўз



имкониятларининг чекланганлигини англаган инсон ҳақиқат доимо ўзидан ташқарида эканлигини тан олишга мажбур бўлади ... бошқалар билан бирга мунтазам қудратли воситалардан бири ҳисобланади” [10, 77].

В. Хумбольдт томонидан бир ярим аср аввал айтилган бу фикрлар ҳозирги пайт учун ҳам ўта долзарб ва аҳамиятли. Мулоқот чиндан ҳам билишнинг зарурий омили бўлиб, когнитив ибтидодан коммуникатив ибтидони ажратиб бўлмайди.

Ўзаро фаолият жараёнида одамларнинг мулоқот қилиш имконияти ва зарурати онг асосини ташкил этувчи автокоммуникация ўз-ўзи билан ички диалогнинг шаклланишига олиб келади. М.М. Бахтиннинг фикрига кўра, “онг бошланган жойда диалог бошланади” [11]. Бу нарса фан тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлган ижодий онгни тушунишда алоҳида аҳамиятга эга.

Кишилиқ тараққиёти жараёнида нутқий мулоқотнинг табиий (сунъийлардан фарқли равишда) вербал тили муҳим аҳамиятга молик.

Тил, даставвал, муайян ҳиссиётлар натижасида пайдо бўлган тўғри ҳаракатни бажаришга ундайди [12]. Австриялик файласуф Л.В. Виттен-штейннинг фикрича, бундай хатти-ҳаракат учун муайян тилда гаплашувчиларда мана шу ҳиссиётга нисбатан умумий таъсир ҳосил бўлиши лозим. Тил жамиятнинг тажрибаларини акс эттирувчи сўзлар орқали инсонга дунёни конвенционал (келишилган, ҳамма учун умумий) идрок этиш имкониятини беради. Сўзнинг белги сифатидаги воситали вазифаси аслида шундан иборат. Тилда қайд этилган ва системалашган аждодларимиз тажрибаси инсоннинг уни ўраб турган дунё ҳақидаги тасаввурларини шакллантиради. Маълумки, борлиқни қисмларга ажратиш ҳар бир тилда турлича амалга оширилади, чунки фикрнинг асосийсини ўзининг такрорланмас миллий ўзига хосликларига эга бўлган тил ташкил этади [12, 27].

Тил ижтимоий индивид сифатидаги инсоннинг узоқ муддатли белги-тушунчалардан ҳосил бўлган хотирасидир. У янги билимларни ёдда сақлаш ва йиғилган ижтимоий кўникмаларни мулоқот чоғида бошқалар билан ўртоқлашиш учун зарур.

Прагматик нуқтаи назардан тил инсон фаолиятини амалга ошириш қуроли сифатида ўрганилади. Муайян бир ахборотни узатиш воситаси бўлгани ҳолда тил мулоқот чоғидаги коммуникантларга таъсир ўтказади. Бунда тил инсон фаолиятида унинг хатти-ҳаракатларини муайян даражада тартибга солувчи белгили воситалар системаси сифатида қаралади.

Ахборотнинг прагматик хусусияти унинг қиммати билан белгиланади. Ҳар қандай ахборотнинг қиммати, яъни унинг прагматик даражаси ахборотнинг қўйилган мақсадни қанчалик амалга ошира олгани билан боғлиқ. Чунки мулоқот аниқ коммуникатив мақсад (интенция) билан бевосита боғлиқ. Бу – мана шундай талабларга жавоб берувчи тил воситаларини танлашда махсус стратегияни талаб этади [13, 12].

Тил орқали мулоқот қилиш муайян моделлар асосида ўзига хос тил ҳақидаги маълумотни талаб қилади ва улар ҳамсуҳбатлар онгида ўзгача маъно касб этиши мумкин.

Коммуникация таъсирчанлигини таъминлаш ва билимларни қайта таҳлил қилиш вазифасини бажариш учун тил белгиларини билиш жараёнида улар эвристик (ижодий) аҳамият касб этиши лозим. Яъни билим шакли мазмунга эга шакл сифатида бошқа мазмундор объект билан алоқага киришиб, ўз қонунларига кўра ривожланиш ва тараққий этиш жараёнида олдин мавжуд бўлган белгилардан ўзиб кетиш хусусиятига эга.

Бугунги кунда ОАВ билим тарқатувчи сифатида тушунилади. ОАВ деганда фақат техник воситалар ёки ахборот узатиш каналлари эмас, балки ахборот тарқатиш жараёнида иштирок этувчи ижтимоий ташкилот ва инсонлар ҳам назарда тутилади. Шуни таъкидлаш жоизки, ОАВда фақат ахборот алмашинуви учун доимо тил хизмат қилмайди. Ахборотни новербал воситалар, тасвирлар орқали ҳам олиш мумкин.

Ахборот тарқатиш муайян даражада жамият онгига таъсир этиш ва оламнинг умумий тасвирини тузиш орқали атрофдаги дунё ҳақида манзара ва баҳо ҳосил қилади.



Бундай вазифани амалга оширишда ОАВнинг куйидаги хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади:

- оммавий аудиторияга қаратилганлиги;
- ҳамма учун мўлжалланганлиги;
- тезкорлиги [14, 24].

Керакли ахборотни етказишда, албатта, адабий тилнинг аҳамияти каттадир. Агар тил тизимини муайян тил қонуниятларига мос имкониятлар сифатида қарасак, ушбу тилда сўзлашувчилар айнан шулардан фойдаланади. М.В. Пановнинг таъкидлашича, бизнинг давримизда, меъёр бу тадқиқ эмас, ифода учун тил воситалари танловидир [15, 58]. Меъёрнинг муҳим белгиларидан бири унинг онгли бошқарилиши ва унга сайқал берилишидир [16, 13]. Меъёр тилдаги сўзларни контекст учун энг мосини танлашга ёрдам беради.

Лисоний шахснинг (языковая личность) вербал фаолияти ижтимоий соҳа, яъни дискурсада сўз семантикасининг бойиши ва ривожланишига хизмат қилади. Масс-медиа дискурсида тил воситаларини танлаш адресатга таъсир этиш мақсадидаги баҳо, кадриятлар системаси билан боғлиқ.

Ахборотни тил ёрдамида узатишда тил ижодкорликка ундовчи, шунга бошловчи катта куч эканлигига ишонч ҳосил этиш юзага келади.

Журналист учун куйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

- фикрий-маънавий фазилатлар;
- ишбилармонлик;
- ўз характерига эга бўлиш хислати;
- жисмоний фазилатлар [17, 43].

Биз буларга қўшимча ҳолда журналист учун куйидаги фазилатлар ҳам бўлмоғи керак деб ҳисоблаймиз:

- журналистика асослари бўйича назарий билимларга эга бўлиш;
- эрудиция;
- тасаввур;
- нотиклик маҳорати;
- нутқ маданияти.

ОАВда вербал тилнинг таъсир этиш кучи чексизлиги ва тил тафаккурининг умумлаштирувчанлик фаолиятида зарур курул бўлиб хизмат қилиши, бу эса, ўз навбатида, ахборот алмашуви натижасида дунёни кўриш, англаш, ахборотни қабул қилишда унинг аҳамияти беқиёс эканлигидан далолат беради. Ҳозир ОАВ тили масалаларини тадқиқ этишда тилни ўрганишда пайдо бўлаётган янги лингвистик принциплар унинг бир кўриниши бўлиши ОАВ тилини ўрганиш масалаларида долзарблик касб этади.

АДАБИЁТЛАР РУЙҲАТИ:

1. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.
2. Трескова С. Т. Социолингвистические проблемы массовой коммуникации. – М., 1986.
3. Лазутина Г. В. Технология и методика журналистского творчества. – М., 1987.
4. Агратаин Е. Г. Информационное обеспечение журналиста. – М., 1988; Федотова Л. Н. Массовая информация. – М., 1997.
5. Шкондин М.В. Средства массовой информации: системные характеристики. – М., 1995.



6. Тростников В. М. Человек и информация. – М., 1980.
7. Теория информации // Сборник рекомендуемых терминов. Вып.64. –М., 1964.
8. Ягубова М. А. Речь в средствах массовой информации // Хорошая речь. - Саратов, 2001.
9. Humboldt W. v. Uber die Verschiedenheit des menschlichen Sprachbaues und ihrem Einfluß auf die geistige Entwicklung des Menschengeschlechts // Gesammelte Schriften, hrsg. Albert Leitzmann. Bd. VII. Berlin, Leipzig. 1907.
10. Гумбольдт В. фон. Избранные труды по языкознанию. – М., 1984.
11. Бахтин М. М. Эстетика словесного творчества. – М., 1984.
12. Виттгенштейн Л. Философские исследования // Философские работы. Часть 1. – М., 1994.
13. Володина М. Н. Когнитивно-информационная природа термина и терминологическая номинация: Дис. ... д-ра филол. наук: – М.: 2005.
14. Язык СМИ как объект междисциплинарного исследования. Ч 2. –М., 2004.
15. **Панов М. В. Труды по общему языкознанию и русскому языку. Т. 1.** – М.: Языки славянской культуры, 2004.
16. Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси. –Тошкент: Навруз, 2000.
17. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. –М., 2000.

